O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 27 август, № 168 (5083) Жума

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:*

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»

**Юрмухаметов Сергей Шамильевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»

**Мирзаев Мираглам Ахатович** — Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари

*Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Раҳимов Ўткир Раҳмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий-клиник госпиталининг бўлинма бошлиғи

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Каньязов Есемурат Султамуратович** — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари

**Тургунов Абдужамол Абдувахобович** — Андижон вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

**Усманов Арислан Усманович** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Шахисламов Шамиль Шарифянович** — Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

### I даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Алиев Александр Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Абдухаликов Толибжон Бобожонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси хизматининг бошлиғи

**Ахмедов Махаммат Журакулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси батальон командири

**Пардаев Ойбек Мамаражабович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Раҳимов Нодир Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Суванов Ўктам Ҳайдарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Дўстлик» ордени билан

**Айтниязов Парахат** — Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлар бўйича Олий суди раиси

**Дзобелов Валерий Давидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлимининг катта илмий ходими

**Жолдасова Татьяна Ивановна** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекцияси бош инспектори

**Ёдгоров Холмўмин Буврабоевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Мезенцева Елена Юрьевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика маркази бош эксперти

**Мисин Владимир Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси етакчи мутахассиси

**Рахмонкулов Собиржон Қултўраевич** — Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Романов Сергей Сергеевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси Навоий кон-металлургия комбинати ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Турдибоев Худойкул Тураевич** — Қашқадарё вилояти прокурори

**Файзиев Хайриддин Сирожиддинович** — Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи

### «Жасорат» медали билан

**Абдирахимов Фархад Бахадирович** — Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

**Артиков Носиржон Козимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Бердиев Асқар Холбўтаевич** — Қарши шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Гулманов Абдулла Шукурллаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисм катта инструктори

**Достонов Жаҳонгир Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жалов Лазиз Абдурашидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Журамурадов Навруз Камолович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Зиямуҳамедов Алишер Садриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ибрагимов Мурод Ҳусанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ходими

**Ирданов Хабибулла Хамидуллаевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Исоқов Ҳасан Тоҳиржанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қаршиев Абдурашид Абдуғаниевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси секция командири

**Клементьев Виктор Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Портлаш техникаси экспертиза маркази бўлинма бошлиғи

**Қодиров Баҳодир Раҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қозақов Махмуджон Мамажанович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Қўлдашев Муҳиддинжон Абдуҳафизович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

(Давоми 2-бетда).






***Фарғона — мамлакатимиз дурдонаси, ҳусну малоҳатда тенгсиз, ҳар бир гўшаси нурли, ўзига хос. Одамлари меҳмондўст, қўли гул. Ҳар бир ишга санъаткорона ёндашадиган, илҳом билан меҳнат қиладиган марду майдонлардир.***

### Фарғона вилояти:

## МУСТАҚИЛ ЮРТ ДУРДОНАСИ

**А**гарда вилоятни Қувадан Бешариққача, Ёзёвондан то Водилгача кезиб чиқсангиз, турфа тақдирлар, урф-одатлар, расм-русумларга дуч келасиз. Баъзи қишлоқлар аҳолиси удумларини касб-корларига қараб бемалол ажратиб олиш мумкин. Мисол учун, мазали бодринг, узумлар ҳақида гап кетса, бевосита Олтиариқ кўз олдимизда намоён бўлади. Анор сўзи ишлатилаётганда қуваликлар ёдга келади. Бувайда анжирининг довруғи чор-атрофга кетган. Лекин бу гўзал замин ҳақида ҳар қанча гапирмайлик, таърифу тасвифини келтирмайлик, муҳтарам Юртбошимизнинг берган баҳоси барчасидан устундир: “Фарғона — Марказий Осиёнинг гавҳари”.

Айтиш жоизки, бу гавҳарнинг ажралмас шодалари ҳам бор. Уларнинг бири гўзал ва бетакрор Шоҳимардон бўлса, иккинчиси баланд тоғлар бағрида жойлашган Сўх туманидир. Шунинг учун ҳам суҳбатимизни ана шу олис тоғ ҳудудидан бошладик.

Бу бетакрор масканда ҳам мустақиллик берган имкониятларнинг самараларини ҳар қадамда кўриш мумкин. Жумладан, фақат сўнгги йилларнинг ўзида Девайрон қишлоғида асфальт ишлаб чиқарадиган “Мулкипарвона”, Ҳушёр қишлоғида эса ганж тайёрлайдиган “Озод” хусусий корхоналари ишга туширилди. Уларнинг ёнига учта ғишт ишлаб чиқариладиган, бешта ёғочни қайта ишлайдиган, тўртта йўл плиталари тайёрланадиган, умуман, жорий йилнинг ўтган даврида жами элликдан зиёд хўжалик субъектлари қўшилганлигини айтиб ўтсак, ўзгаришлар, бунёдкорлик кўлами кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Бундай замонавий корхоналар ҳисобига шу йилнинг олти ойи мобайнида туманда қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Тул ва Зангад қишлоқларида замонавий тураржой бинолари қурилиши жадал суръатларда олиб борилаяпти...

— Бугун Қўқон шаҳрига ташриф буюрган ҳар бир киши уни улкан қурилиш майдонига қиёслаши мумкин, — дейди Хўқанди Латифнинг фахрийларидан бири Ҳамиджон ота Қодиров. — Бизнинг бутун авлодимиз, сулоламиз шу шаҳарда яшаб ўтган. Отам собиқ шўро даврида шаҳарнинг эски қиёфаси, меъморий кўриниши аввалгидек қолиб кетди, деб афсус қилардилар. Агар у киши ҳаёт бўлганларида эди, шаҳримизнинг бугунги кўркам қиёфасини кўриб, ичларига сиғмасдилар. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги бир йил ичида шаҳарда асрларга тенг ўзгаришлар рўй берди. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг эътибори, ғамхўрлиги натижаси, деб биламан.

(Давоми 3-бетда).



## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистоннинг миллий байрами муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий қутловларимни, мамлакатингиз ва халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу истакларимни йўллашдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатингиз билан сиёсий мулоқотни давом эттириш, шунингдек, иқтисодий, маданий ва илмий соҳалардаги ҳамда олий ўқув юртлари доирасидаги муносабатларимизни мустаҳкамлаш ва диверсификация қилиш ғояларига содиқ эканимни таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Муносабатларимиз ва ҳамкорлигимиз равнақи демократик қадриятларни ривожлантиришга, ҳуқуқий давлат ва минтақавий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончим комил. Умид қиламанки, икки томонлама муносабатларимиз Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш имконини беради.

Яқинда Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар чоғида мамлакатингиз қочқинларни қабул қилиб, улкан хайрли ишларни амалга оширди ва шу тариқа вазият барқарорлашишига кўмаклашди. Сизни ишонтириб айтаманки, Франция ушбу инқироз билан боғлиқ воқеалар ривожини диққат билан кузатиб бормоқда ва Қирғизистонда ҳуқуқий давлат имкон қадар тез тикланиши тарафдоридир.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

**Николя САРКОЗИ,**
**Франция Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва Ўзбекистон халқини чин дилдан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Самимий қутловларим ва энг эзгу тилакларимни қабул этгайсиз.

Самимий эҳтиром ила,

**ЕЛИЗАВЕТА II,**
**Буюк Британия Қироличаси Зоти Олийлари.**

## «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!»

***Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг жорий йилдаги ғолиблари номи аниқланди.***

Ҳайъат қарорига кўра, Жамшид Акбаров сўзи, Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов мусиқаси ва ижросидаги “Ватан алёри” қўшиғи, Замира Рўзиева шеъри, Абдуҳошим Исмоилов мусиқаси билан Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова ижросидаги “Инсон азиз” қўшиғи биринчи ўринга лойиқ топилди.

Замира Рўзиева сўзи, Авазбек Маллабоев мусиқаси билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимов ижросидаги “Алпомиш авлодлари”, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо шеъри, Фарҳод Абдуллаев мусиқаси билан “Ниҳол” мукофоти совриндори Хуршида Жўраева ижросидаги “Баркамол авлодмиз” қўшиғи иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Учинчи ўрин Ҳамид Олимжон шеъри, Рустам Абдуллаев мусиқаси билан хонанда Шаҳноза Отабоева ижросидаги “Ўзбекистон” қўшиғи, Охунжон Ҳакимов шеъри, Муҳсимбек Мўминов мусиқаси билан хонандалар Яҳёбек ва Муҳсимбек Мўминов ижросидаги “Юртим” қўшиғи учун берилди.

Ижодий танлов ғолибларига кеча пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида диплом ва совғалар топширилди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси эртага — 2010 йил 28 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2010 йил 27 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

### Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлиси олдидан

## НОТАРИАТ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

*Парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибидан “Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ўрин олган. Бу ҳуқуқий ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг ташаббуси билан киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган.*

Қонуннинг асосий мақсади нотариал ҳаракатларни ҳамда бу ҳаракатлар билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқий тусдаги ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашни кўзда тутувчи одил судлов институти сифатида нотариат институти тушунчасини, шунингдек, нотариуслар ҳуқуқларини кенгайтиришдан иборат.

Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Фармони билан 2010 йил 15 майдан бошлаб хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар тизими тугатилди. Шундай қилиб, жорий этилган тартибга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси номидан фақат давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариуслар томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## ФАРМОНИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Мадвалиев Хасан Орипович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлинма командири

**Махмудов Отабек Аъзамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ инструктори

**Мирзаев Шухрат Абдурашитович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Насриддинов Жамшид Абдужабборович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ мутахассиси

**Нормуратов Даврон Давлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Полвонов Абдурашид Боқижонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Портловчи қурилмалар ва моддаларни зарарсизлантириш ва йўқ қилиш махсус отряди гуруҳ командири

**Примов Ўткир Ўктамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод командири

**Пўлатов Азизжон Маъруфович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳмонов Отабек Қосимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод назоратчиси

**Рахматов Сираджиддин Хикматович** — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Рўзматов Шавкат Муродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Саъдуллаев Отабек Қурбондурдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм механик-ҳайдовчиси

**Солиев Ҳамро Ҳосилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод мутахассиси

**Султонов Тулкинжон Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси катта тезкор вакили

**Сўпихўжаев Мирзахўжа Бобохўжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

**Турғунов Раҳмонали Акбарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турсунов Шаҳзод Ғафурович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умирзақов Аброржон Миртазакулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг взвод мутахассиси

**Файзиев Хусейнджон Чориевич** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати отряд командирининг ўринбосари

**Ҳамраев Жамшид Муродуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг взвод мутахассиси

**Ҳайитов Дилшод Маҳаммадиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шодиев Ҳайдар Шодиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдукаримов Аваз Рихсибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Акбаров Ойбек Ғуломович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

**Алламуродов Абдукарим Абдувахидович** — Жиззах вилояти Жиззах тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Аминов Одил Шодиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Артикбоев Аъзамжон Турдалиевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Ғаппаров Баҳодиржон Алиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Граждан Лариса Петровна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпиталининг ҳамшираси

**Дехқанов Баходир Акбаралиевич** — Андижон вилояти прокурори

**Қодиров Тўланбой Абдулҳаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Камолов Рустам Азизович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Қаҳҳоров Акмалжон Тоштемирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Керцман Елена Абрамовна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тиббиёт бошқармаси лабораториясининг мудираси

**Қодиров Шавкатжон Зокиржанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Мамаджанов Абдураҳим Абдурауфович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Бирлашган штаби Бош бошқармасининг бошлиғи

**Маматов Алишер Ўроқович** — Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мирходжаев Ботир Мирхалилович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Мискинов Бахтиёр Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи

**Нормуратов Фарҳод Хўжамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Норов Амирилло Ёрқулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Садиқов Онгарбай Пердебаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Саидов Темирхан Магомедович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Умаров Равшан Тельманович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Усмонов Бахтиёржон Баҳодирович** — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Андижон техник мактаби ўқитувчиси

**Хайдарова Голиба Субхоновна** — Бухоро вилояти Ғиждувон туман прокуратураси катта нозири

**Ҳидоятов Ҳусниддин Миркамолович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Штапова Вера Антоновна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юнусов Бахадир Тулкунович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи

**Юсупов Бахтиёр Ражабалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдирахимов Абдирасул** — Наманган вилояти Учқўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Абдуллаева Мунира Убайдуллаевна** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази илмий котиби

**Абдурахманов Алишер Абдурашидович** — Андижон вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

**Атаджанов Рустам Абдуллаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Давлат солиқ инспекцияси катта инспектори

**Аҳмедов Азиз Акмалович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Бабамурадов Комилжан Хомидович** — Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Ғаниев Улуғбек Одилович** — Давлат божхона қўмитаси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси бўлим бошлиғи

**Дастанов Эркин Шакарович** — Навоий шаҳар «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Ерназаров Полатбай Каримбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Ефремов Сергей Владимирович** — Хоразм вилояти Хива тумани «Гулирайхон» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Жумаева Мунира Сайфиевна** — жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Ромитан туман суди девонхона мудири

**Жўраев Ойбек Қаландарович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси инспектор-кинологи

**Зулунов Абдураҳимжон Абдулҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм алоқа тармоғининг радиостанция бошлиғи

**Каримов Хушнуд Римбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Қуранов Матлаб Маҳаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Куртвелиева Зера Курттелиевна** — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани прокуратураси катта нозири

**Масудов Мухамадхон** — Фарғона вилояти Данғара тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари

**Матмусаев Махаматжон Махмудович** — Жиззах шаҳар «Зилол» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Матякубов Музаффар Сапарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

**Мугалова Тазагуль Калниязовна** — Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси девонхона мудири

**Муллажанова Зухра Зияитдиновна** — Андижон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бош инспектори

**Назаров Шухрат Абдукаримович** — Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

**Носиров Каримжон Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси махсус қидирув-разведка гуруҳи мутахассис-инструктори

**Нурдинов Адилжон Исмайлович** — Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Рузиева Барно Ташпулатовна** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири

**Саатова Гульнора Урдушевна** — Жиззах вилояти прокуратураси катта нозири

**Сайфудинов Низомиддин Эркинбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Сатторов Акмал Аликулович** — Қашқадарё вилояти Қарши тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Сафаров Анвар Аликулович** — Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани «Дўнгариқ» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Сиддиқов Отабек Мамазулунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ командирининг ўринбосари

**Султонов Акмалжон Сайибназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Тажибаев Камилжан Хасанович** — Урганч шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Турғунов Дониёр Даминжонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти бўлим бошлиғи

**Турдиев Рашидхон Ражабович** — Қашқадарё вилояти Нишон тумани «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Тхай Галина** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи

**Узақов Жафар Қодирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Шералиева Дильнара Маннаповна** — Фарғона ҳарбий академик лицейи ўқитувчиси

**Шукуров Жалол Хамидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эранов Абдурасул Гаппорович** — фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди раиси

**Эргашев Музаффар Ғаниевич** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати милиционери

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 август

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни ва мамлакатингиз халқини Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами билан чин дилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Мамлакатингизнинг мустақиллик куни нишонланаётган ушбу айёмда Сизни ишонтириб айтаманки, Словакия Республикаси халқларимиз фаровонлиги ва мамлакатларимиз манфаатлари йўлида дўстона муносабатларимиз ва ўзаро ҳамкорлигимизни ривожлантиришга бундан буён ҳам алоҳида эътибор беради. Сизнинг Словакияга буюражак ташрифингиз бунинг ёрқин далили бўлади.

Сизга ва бутун Ўзбекистон Республикаси халқига каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

**Иван ГАШПАРОВИЧ,**
**Словакия Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқини мамлакатингизнинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан ўз номимдан ва Озарбойжон халқи номидан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Кўп асрлар мобайнида мустаҳкам ришталар билан боғланган халқларимизнинг орзу-умидлари ва хоҳиш-иродаси Озарбойжон — Ўзбекистон муносабатларининг асосини ташкил этади. Ишончим комилки, биз бундан буён ҳам ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланган ҳар томонлама дўстона алоқаларимизни, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашни, шунингдек, ҳамкорлигимиз кўламини кенгайтиришни биргаликда изчил давом эттираверамиз.

Ушбу улуғ айёмда, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, менинг энг эзгу тилакларим ва табрикларимни қабул этгайсиз, Сизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Давлатингиз мустақиллик куни муносабати билан Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига энг эзгу тилаклар ва самимий истакларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса давомий тараққиёт ва равнақ тилайман.

Самимий эҳтиром ила,
Биродарингиз

**Абдуллоҳ бин АБДУЛАЗИЗ ОЛ САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Мамлакатингиз мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига эзгу тилаклар ва самимий истакларимни йўллашдан мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилайман.

Самимий эҳтиром ила,
Биродарингиз

**Султон бин АБДУЛАЗИЗ ОЛ САУД,**
**Саудия Арабистони Валиаҳди,**
**Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари,**
**Мудофаа ва авиация вазири, Бош назоратчи.**

# НОТАРИАТ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикаси консуллик муассасалари тегишли мансабдор шахсларининг бошқа давлатлар ҳудудида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш борасидаги ваколатлари сақланиб қолмоқда. Шу муносабат билан "Давлат тили тўғрисида"ги, "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритилган. Шунингдек, "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан "Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус" деб номланган 9-модда ҳамда "Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар" деб номланган 24-модда ҳам чиқариб ташланган. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар тизими тугатилиши муносабати билан лицензиялаш тизими ҳам бекор қилинган. Шу сабабли "Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш борасидаги ҳамма вазифаларини нотариусларга ўтказиш назарда тутилган.

Шу муносабат билан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Нотариат тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Фуқаролик процессуал, Оила ва Солиқ кодексларига муайян ўзгартишлар киритилган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши керак бўлган нотариуслар фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилганлик, шу жумладан, нотариусга нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилайдиган норма билан тўлдирилган. Бу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судьялар ваколатига киритилган. Айни вақтда "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган нормалар билан тўлдирилган.

Юқорида кўрсатилган ўзгартишлардан ташқари "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, қасддан содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган, ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун нотариус, адвокат, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати белгиланган тартибда тугатилган шахс нотариус бўлиши мумкин эмаслигини аниқлаб қўядиган ўзгартишлар киритилган.

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни "Нотариус ёрдамчиси" деб номланган $2^1$ ва "Нотариус стажёри" деб номланган $2^2$-моддалар билан тўлдирилмоқда. Ушбу моддалар нотариус ёрдамчиси ва нотариус стажёри мақомини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаб берган. Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқий ҳужжат "Малака комиссиялари" деб номланган, адлия органлари ҳузурида малака комиссияларини ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Олий малака комиссиясини тузиш тартибини белгилайдиган $3^1$-модда билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, янги қонун билан нотариал идораларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда улар олдига қўйиладиган, фуқароларнинг нотариус олдига эркин киришини, нотариал ҳаракатлар махфийлигини, нотариал иш юритиш ҳужжатлари, материаллари ва нотариал архивларнинг бут сақланиши, тўловларни қабул қилиш учун шарт-шароитлар таъминланишига қаратилган талаблар ҳам белгиланган.

Хуллас, мазкур ҳуқуқий ҳужжатга киритилаётган ушбу ва бошқа янгиликлар қонун кучга киргач, мамлакатимиз нотариат институтининг келажакдаги ривожи ва мукаммаллиги учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Светлана ОРТИҚОВА,**
**Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**



(Давоми. Боши 1-бетда).

## Фарғона вилояти:
# МУСТАҚИЛ ЮРТ ДУРДОНАСИ

Дарҳақиқат, Президентимизнинг "Қўқон шаҳрининг архитектура қиёфаси ва инфратузилмасини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шундай ҳаётбахш имкониятларни амалга ошириш истиқболларини белгилаб берди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ўтган йили шаҳарга ташрифи муҳим воқеалардан бири бўлди. Шундан сўнг ободонлаштириш, қурилиш, қайта таъмирлаш ишлари янгича руҳ, янгича ғайрат-шижоат билан давом этмоқда. Шаҳарда ўзгаришлар бошлангандан бери бунёдкорлик ишларига 7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "2010-2012 йилларда Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Шу ҳужжат доирасида 27 та саноат корхонасини модернизациялаш, технологик қайта жиҳозлаш кўзда тутилган бўлиб, бу мақсадларга 242,7 миллиард сўм маблағ сарф этилиши белгиланган. Бу тадбирлар ҳам жадал олиб борилмоқда. Хусусан, Қўқон тўқимачилик комбинати негизида янги йигирув тўқимачилик мажмуасини ташкил этиш ишлари ниҳоясига етказиляпти. Сингапур давлатининг "Индорамо групп" компанияси билан бу борада музокаралар олиб борилмоқда. "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси Қўқон суперфосфат заводини тўлиқ қайта жиҳозлаш ишларига 71,6 миллиард сўм, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси эса Қўқон механика заводи ҳиссадорлик жамиятига 12,4 миллиард сўм маблағ ажратиб, туб ислоҳотлар ўтказишни зиммаларига олишган. Бу лойиҳалар тўла ўзлаштирилса, 4111 та янги иш ўрни яратилади.

Дастур доирасида амалга оширилган тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. "Агробанк"нинг Қўқон шаҳар филиали томонидан "Азиа экопласт" хусусий корхонасига йўналтирилган 100 миллион сўм маблағ эвазига полиэтилен қувурлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. "Шўртангаз" мажмуаси янги корхонани хом ашё билан таъминлаб турибди.

Қўқон азалдан юртимизнинг маданият, маърифат, адабиёт, юксак қадр топган масканларидан бири ҳисобланади. Шаҳарликлар ота-боболаримизнинг бу анъаналарини эъзозлаб, янги, юксак марраларга олиб чиқишяпти. Шаҳардаги 5-мусиқа мактаби "Анъанавий созандалик", 7-мусиқа мактаби "Анъанавий хонандалик", 11-мусиқа мактаби тарбияланувчилари эса "Эстрада хонандалиги" бўйича ўтказилган вилоят, республика миқёсидаги кўрик-танловларда ғолиб чиққанлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Ўзининг навқирон ёшини, таъбир жоиз бўлса, иккинчи умрини бошидан кечираётган кўҳна шаҳар аҳолиси бугун Истиқлол байрамини кўтаринки руҳ, юксак кайфият билан қарши олаяпти...

— Эллик йилдан зиёд қурувчилик, меъморчилик ишлари билан шуғулландим, — дейди Фарғона туманининг Миндонобод қишлоғида истиқомат қилувчи Нишонбой ота Бобораҳимов. — Ўзим қурувчи бўла туриб, бирорта тузукроқ ҳовли ҳам тиклай олмаган эканман. Муҳтарам Юртбошимизнинг ғамхўрликлари билан Миндонобод қишлоғида қурилган замонавий уйга оилам, невара-чевараларим билан кўчиб ўтдик. Маҳалламиз номи ҳам исми-жисмига монанд — Истиқлол. Ҳар гал қўлимизни дуога очганда, бизга мана шундай шарт-шароитларни яратиб берган Президентимизга раҳматлар айтамиз, соғлиқ-омонлик тилаймиз.

Агар Фарғонага йўлингиз тушиб, шаҳарнинг шарқий йўналишидан, "Тошкент — Қўқон" автомагистралидан кириб келсангиз, йўл ёқасида барпо этилаётган турнақатор тураржойларга кўзингиз тушади. Шаҳарнинг Ёрмозор маҳалласи ҳудудидаги бу шинам, кўркам уйлар "Сендвич" усулида қурилаётган бўлиб, асосан, "Кредитстандартбанк"нинг маблағлари ҳисобига амалга ошириляпти.

Яқин йилларда бу ерда ўзига хос замонавий шаҳарча бунёд этилиши шубҳасиз. "ГрэдСилкСервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари барпо қилаётган мазкур шаҳарчада 40 та уйнинг қурилиши ниҳоясига етказиляпти. Йил охиригача эса яна 100 та хонадон фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Бу мавзеда фақатгина янги тураржойлар қад ростлаётгани йўқ. Шаҳарчага мос ҳолда савдо дўконлари, маданий-маиший тизим тармоқлари, болалар майдончалари, спорт иншоотлари ҳам бунёд этиляпти.

Бугун Фарғона вилоятининг қайси шаҳри, тумани ёки қишлоғига борманг, мана шундай улкан бунёдкорлик ишларининг устидан чиқасиз. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ана шу ишларни ташкил этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир. Умуман, шу йил охиригача вилоятда 610 та уй бахтиёр оилаларга туҳфа этилади. Намунавий лойиҳа асосида қуриб берилаётган бу тураржойларнинг ташқи қиёфаси бири-бирини асло такрорламайди. Улар ўзига хос кўринишга, шакл-шамойилга, энг муҳими, меъморий ечимга эга. Янги уйлар "Вилоятқишлоққурилишинвест" компаниясининг буюртмаси асосида "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки томонидан тўласинча маблағ билан таъминланган.

— Туманимизда барпо қилинаётган янги қишлоқнинг қиёфаси, имкониятлари шаҳардан сира ҳам қолишмаслигига алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди Бувайда тумани ҳокими Абдухолиқ Холматов. — 2,5 гектар майдондаги тураржойлар уч, тўрт ва етти хонали бўлиб, барчасида ҳаммом, ошхона, омборхона ва яшаш учун зарур бошқа шароитлар яратилмоқда. Йил охиригача қирқта уй фойдаланишга топширилиб, уй тўйлари ўтказиш режалаштирилган. Газ, сув, электр энергияси кирмаган бирорта ҳам хонадон қолмайди. Биз туман марказини ривожлантириш режасига биноан янги замонавий қишлоқ ёнида мактаблар, ўқув юртлари, маиший хизмат кўрсатиш, савдо дўконлари барпо этишни ҳам мақсад қилганмиз.

Президентимизнинг биз юқорида тилга олган қарорида қишлоқлардаги тураржойлар фақат сифатли ва пишиқ ғиштлардан қурилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхши-



лаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан сўнг вилоятда қурилиш индустриясининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланди. Ўндан зиёд қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган замонавий ва тежамкор технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналар бунёд этилди. Айни кунда вилоятда барпо қилинаётган янги уйларни қурилиш материаллари билан маҳаллий корхоналар тўлиқ таъминлаб бераяпти...

Мамлакатимиз саноати ҳақида гап кетса, албатта, Фарғона вилояти алоҳида тилга олинади. Дарҳақиқат, вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республикамизда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунда биргина Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасини тилга олиш кифоя. Энди фарғоналик нефтчию кимёгарлар сафига Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун бутловчи қисмлар етказиб берувчилар ҳам қўшилишди. Автомобилсозлар дастлабки йилларда автоуловларнинг дискларини Корея ҳамда АҚШдаги корхоналардан олишарди. Энди бу соҳада фарғоналик мутахассисларнинг амалий ёрдами тегаяпти. Гап шундаки, шу асрнинг бошларида Фарғона механика корхонасининг бўшаб ётган ишлаб чиқариш иморатларидан бири ўрнида автомобиллар учун дисклар тайёрланадиган "Евро Осиё ТАПО ДИСК" Ўзбекистон — Англия — Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди. Дастлаб бу ерда фақат "Нексия" автомобиллари учун дисклар тайёрланган бўлса, бугунги кунга келиб корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 56 турга етди. У пишиқ, пухта, чидамлилиги туфайли бошқа мамлакатлардаги автомобилсозлар эътиборига ҳам тушди. Хусусан, ҳозирда Россиядаги бир қатор автомобилсозлик корхоналари фарғоналик саноатчиларга буюртма беришаяпти.

Корхона йилдан-йилга ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириб бормоқда. Шу туфайли ўтган йили бу ерда асосий ишлаб чиқариш воситалари, техник ва технологик жараёнлар тўлиқ модернизация қилинди. Бу эса корхона қувватини тенг баробарига ошириш имконини берди. Шу йилнинг дастлабки ярим йилида турли хилдаги 1 миллион 300 минг дона диск тайёрланган бўлса, унинг тенг ярми экспорт қилинди.

Бу корхонада эришилган муваффақиятлар вилоятда асакалик автомобилсозлар билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган яна янги корхоналар ишга туширилишига туртки бўлди. Фарғона туманида яқинда фаолият бошлаган "Фарғонаавтогласс" корхонаси фикримиз тасдиғидир. Мазкур корхонада "Ласетти" ва "Нексия" автомашиналари учун капсулланган ойналар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерга 1,4 миллион АҚШ доллари эвазига олиб келинган энг замонавий, юқори унумли технологиялар ёрдамида йилига 130 минг комплект автоойна ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Ўзбекистон туманидаги "Uz Dong Yang Fargona" масъулияти чекланган жамиятида эса юртимиз автомобилсозлари учун пластик жиҳозлар тайёрлаб беріляпти. Энг муҳими, бу ерда маҳсулотлар тўласинча маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилмоқда. Чунки масъулияти чекланган жамият республика ҳукумати томонидан белгиланган Маҳаллийлаштириш дастури имкониятларидан тўлиқ баҳраманд бўляпти.

Олтиариқ туманидаги "Feraie" масъулияти чекланган жамияти ҳам Маҳаллийлаштириш дастури доирасида иш бошлаган корхоналардан биридир. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг муҳим эҳтиёт қисми — металл компонентлар ҳам ўзимизнинг хом ашёдан тайёрланяпти.

Таъкидлаш жоизки, фақат шу йилнинг ўзида ўзлаштирилган мазкур 3 лойиҳа туфайли вилоятда қўшимча 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти туғилди. Бу эса асакалик автомобилсозлар чет элдан сотиб олаётган эҳтиёт қисмлар ҳисобига сарфланадиган 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валютани тежаш имконини беради...

Муҳтарам Юртбошимиз мамлакат довруғини ҳеч бир нарса спортчалик дунёга машҳур қила олмайди, деганларида нақадар ҳақ эканликларини вилоят ёшларининг спорт соҳасида эришган ютуқлари яна бир бор исботлаб турибди. Пекин Олимпиадаси қатнашчилари, бокс бўйича жаҳон ва Осиёда ўтказилган қатор мусобақалар совриндорлари Дилшод Маҳмудов, Рафиқ Султонов, Элшод Расулов, Осиё чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Елена Сисоева, велоспортчи, дунё чемпионати ғолиби Сергей Лагутин, кикбоксинг бўйича уч карра жаҳон чемпиони Шавкат Азизов вилоятнинг фахри ҳисобланишади. Бугунги кунда вилоятда 385 минг нафардан зиёд ёшлар спорт билан шуғулланишаяпти. Уларнинг 52 нафари қитъа ва жаҳон чемпионатлари, турли халқаро турнирлар ғолиби экани дилларга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Қайд этиш лозимки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш ёшларга замон талаблари асосида таълим-тарбия бериш, улар маънавиятини янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларни муҳим босқичга кўтарди.

Биргина "Саломатлик — 2" лойиҳаси доирасида вилоятдаги 37 та қишлоқ врачлик пункти энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар, техник асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бу мақсадларга 165 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳозир вилоятнинг энг



чекка қишлоқларидаги аҳоли ҳам малакали тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлди.

Таълимнинг барча йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам қувонарли. Бу борада асосий эътибор мактаблар, лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари моддий-техник базасини шакллантириш, улардан самарали фойдаланиш, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига мутахассислар тайёрлаб беришга қаратилаяпти. Янги ўқув йили бошланиши арафасида Риштон, Бувайда, Қува, Бешариқ туманларида янги касб-ҳунар коллежлари, ўндан ортиқ лицей ва коллежларда эса барча қулайликларга эга ётоқхоналар фойдаланишга топширилди. Олтиариқ туманида 2 та, Охунбобоев, Риштон, Ўзбекистон, Фарғона туманларида янгидан ташкил этилган болалар ижодиёт марказлари замонавий компьютер техникалари билан таъминланди. 113 та мактабда компьютер синфлари ташкил этилди. Ёзёвон туманидаги 28, Учкўприк туманидаги 29-мактабда янги спорт заллари бунёд этилди. Қўқон шаҳридаги марказлашган сузиш ҳавзаси мукаммал таъмирдан чиқарилиб, халқаро мусобақалар ўтказиладиган иншоотга айлантирилди. Вилоятдаги барча мактабларга 1773 дона теннис столи етказиб берилди. Буларнинг барчаси эртамиз эгалари учун кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги самарасидир...

Биз Истиқлолдан тароват олиб, истиқболга дадил кириб бораётган фарғоналикларнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларидан бир шингил ҳикоя қилдик, холос. Бугун вилоят иқтисодиёти чинакам юксалиш йўлига чиқиб олди. Буни шу йилнинг ўтган муддатларида қўлга киритилган натижалар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Айниқса, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш дастурининг оғишмай амалга оширилиши ўз самарасини бера бошлади. Шу лойиҳа бўйича 15 та корхона тўлиқ модернизациядан чиқарилди. Хорижий сармоядорлар маблағи ҳисобига 12 та қўшма корхона ташкил этилди. Бу эса 50 мингга яқин янги иш ўринлари яратиш имконини берди. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш йўлида 256 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

Фарғоналиклар энг улуғ, энг азиз байрамимизни ана шундай шоду хуррамлик, меҳнатда юксак зафарлар билан қарши олмоқдалар.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.



**O'ZSANOATQURILISHBANK**

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»**

**очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси**




*сизларни халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан*

*муборакбод этади!*



Байрам арафасида «Ўзсаноатқурилишбанк» қуйидаги янги омонат турини таклиф этади:

**«Баркамол-1»**

Сақланиш муддати —
**3 ой**

**Омонатчининг хоҳишига кўра, ҳисобланган фоиз даромадлари ҳар ойда тўланади.**

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБда сақланаётган аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

**Вақт давомида синалган ишонч!**

www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган.

818R/970






**КОРЕЯ МИЛЛИЙ НЕФТЬ КОРПОРАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ТАБРИКЛАЙДИ!**

**IT IS A GREAT HONOR FOR KOREA NATIONAL OIL CORPORATION TO CONGRATULATE THE PEOPLE OF UZBEKISTAN WITH THE INDEPENDENCE DAY!**



KNOC

**Korea National Oil Corporation**
**Корейская национальная нефтяная корпорация**

725R/960






Қадрли
ҳамюртлар!
«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
компанияси жамоаси
барча юртдошларимизни Ватанимиз
Мустақиллигининг 19 йиллиги
билан чин қалбдан
қутлайди!
Хонадонингизни
яхшилик ва муҳаббат,
сиҳат-саломатлик,
тинчлик-тотувлик
асло
тарк этмасин!
Юртимиз ҳамиша тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин!


«ЎЗКИМЁСАНОАТ»
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
республикамиз кимёгарлари
номидан Ўзбекистон халқини
барчамиз учун энг улуғ,
энг азиз сана —
Ватанимизнинг
Мустақиллик куни,
Истиқлолимизнинг
19 йиллик
байрами билан
табриклайди!
Ушбу шукуҳли айёмда барчага
мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият,
оилавий бахт-саодат ва янгидан-янги
муваффақиятлар тилайди!
Эл-юртимиз омон, осмонимиз
мусаффо, Мустақиллигимиз
абадий бўлсин!


PETRONAS КОМПАНИЯСИ
PETRONAS
Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
19 йиллиги муносабати билан чин дилдан табриклайди!
Барчангизга фаровон турмуш, бахт-саодат ва тинчлик-хотиржамлик
доимо ҳамроҳ бўлсин!


«Алоқабанк» ОАТБ жамоаси барча ҳамюртларимизни,
фидокорона меҳнат қилаётган акциядорларимизни,
мижозлар ва ҳамкасбларимизни
мамлакатимиз Мустақиллигининг
19 ЙИЛЛИК ТЎЙИ БИЛАН
муборакбод этади!
Сизларга тинчлик-хотиржамлик,
узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди!
Банк ўз мижозларига қуйидаги янги хизматларни таклиф этади:
жисмоний шахслар учун
ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ
VISA Classic
карточкасига эга бўлинг ва фойдаланинг.
«Алоқабанк» ОАТБнинг «VISA Classic» карточкаси
сафарларингизда тенгсиз ҳамроҳингиздир.
Шунингдек, банк аҳолига энг юқори фоизли «Интеллект»
ва «Барака омад» омонатларини таклиф этади.
ALOQABANK
15 ЙИЛДАН БУЁН
банк хизматлари бозорида
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.


BRITISH AMERICAN TOBACCO
UZBEKISTAN
«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон»
компанияси Ўзбекистон халқини
Мустақилликнинг
19 йиллиги
билан табриклайди!
Тинчлик, иқтисодий барқарорлик ва фаровон
ҳаёт сизларга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!


«Олмалиқ тоғ-металлургия
комбинати»
очиқ акциядорлик жамиятининг
кўп минг сонли меҳнат жамоаси
Сизларни Ватанимизнинг
энг улуғ ва энг азиз байрами —
Истиқлолнинг
19 йиллиги
билан самимий қутлайди!
Қалбларимизга сурур, руҳиятимизга
масрурлик бахш этган бу муборак кунда
ҳар бир ватандошимизга саломатлик
тилаб, уларнинг хонадонини ҳеч қачон
файзу барака тарк этмасин, деймиз.

# «ЎЗБЕКИСТОН»

O'ZBEKISTON NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI

## НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



бунёдкор халқимизни
энг улуғ ва
энг азиз
байрам —

Ватанимиз
Мустақиллигининг
19 йиллиги
шодиёнаси билан табриклайди!

Юртбошимиз ғоялари ва ташаббуслари туфайли Истиқлол йилларида иқтисодиётимизнинг
ҳар бир жабҳасида барқарор ривожланиш, янгиланиш
ва изчил юксалиш таъминланди.
Халқимизнинг буюк яратувчилик қудрати, фидокорона меҳнати натижасида
озод ва обод мамлакатимиз йилдан-йилга гуллаб-яшнамоқда,
ҳар биримиз бахтли ҳаёт кечирмоқдамиз.
Ушбу кутлуғ айёмда барчага мустаҳкам соғлиқ, кўтаринки кайфият
ҳамда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.
Эл-юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

8138/968

## «Jurabek laboratories» МЧЖ
жамоаси

юртимиз аҳлини Ватанимиз
Мустақиллигининг
19 йиллик
байрами билан
самимий муборакбод этади!



Тарихан қисқа давр ичида республикамизда
асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.

Барча юртдошларимиз қаторида давлатимиз
равнақи йўлида меҳнат қилаётганимиздан
мамнунлигимизни билдириб, барчангизга
сиҳат-саломатлик тилаймиз.

## «ЎКТАМБАНК»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини
Ватанимизнинг Мустақиллик куни байрами билан
самимий муборакбод этади!

**Шу билан бирга, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича қуйидаги янги омонат турларини эълон қилади:**

**«Барака-плюс»**
**муддатли омонатига маблағларни қабул қилиш 2010 йил 1 августдан амалга оширилмоқда.**

**«Барака-плюс»** муддатли омонатининг сақланиш муддати ҳисобварaққа маблағ келиб тушган сананинг кейинги кунидан бошлаб, **3 ойга йиллик 28%, 6 ойга йиллик 29% ҳамда 9 ойга йиллик 30% миқдорида даромад тўланади.**

**«Мўъжиза»**
**муддатли омонатига маблағларни қабул қилиш 2010 йил 1 августдан амалга оширилмоқда.**

**«Мўъжиза»** муддатли омонатининг сақланиш муддати ҳисобварaққа маблағ келиб тушган сананинг кейинги кунидан бошлаб, **2 ойга йиллик 25%, 4 ойга йиллик 26%, 6 ойга йиллик 27%, 8 ойга йиллик 28%, 10 ойга йиллик 29% ҳамда 12 ойга йиллик 30% миқдорида даромад ҳисобланади.**

Шунингдек, ушбу омонат бўйича қабул қилинган пул маблағлари ҳисобидан 2010 йилнинг 1 августидан 1 сентябригача бўлган муддатдаги омонат қолдиқлари ҳисобланган ҳолда ютуқли лотерея ўйналади.

**Ютуққа: музлаткич, газ плитаси, микротўлқинли печь ҳамда кўплаб қимматбаҳо совринлар қўйилган.**

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, «Юнусобод» мавзеси, 2-даҳа, 8-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 221-74-47, 221-11-99, 221-84-48.**
**www.uktambank.uz**

7098/884

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН

**«ИФФАТЛИ КЕЛИН»**
**ЎҚУВ МАРКАЗИ**

*серқуёш Ўзбекистон халқини ва юртимиз меҳмонларини энг улуғ, энг азиз айёмимиз — мамлакатимиз*

**Мустақиллик куни билан табриклайди!**

**19 йил**





*Тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, бахт ва омад доимо ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз. Истиқлолимиз абадий, тараққиётимиз бардавом, осойишталигимиз барқарор бўлсин!*



**«ҲАМКОРБАНК»**
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

барча юртдошларимизни

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 19 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ**

билан самимий муборакбод этади!



**Истиқлол қуёши юртимиз узра мангу порлайверсин!**

# Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

*Сиз, азиз юртдошларимизни халқимизнинг энг улуғ айёми —*

**Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги**

*муносабати билан самимий муборакбод этади!*

*Истиқлол йилларида юртимиз иқтисодиёти кун сайин ривожланиб бормоқда. Эришилаётган ютуқларга Ўрта Осиёда қиёси йўқ корхонамиз жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшаётганидан фахрланамиз.*

*Қоровулбозор кенгликлари қўйнида ўн йиллар мобайнида гуллаб-яшнаб, киши кўзини қувонтирадиган нефтчилар шаҳарчасида яшаб, ана шундай улкан корхонада меҳнат қилаётганимиздан мамнунмиз.*



*Азиз юртдошлар!*
*Юртимиз обод, осмонимиз доимо мусаффо бўлиб, хонадонларимиздан бахт-саодат, тўкин-сочинлик, қувонч асло аримасин!*


SamAuto
«Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ
Сиз, азиз ватандошларимизни энг улуғ,
энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг
19 йиллиги
муносабати билан муборакбод этади!
Сизларга эзгулик ва омад, соғлиқ ва бахт,
Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик
фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилайди!


«METAL GAZ»
жамоаси
Ватанимиз равнақи йўлида
меҳнат қилаётган барча
ҳамюртларимизни мамлакатимиз
Мустақиллигининг
19 йиллик
байрами билан самимий қутлайди!
Ушбу айём ҳар бир хонадонга
тинчлик-тотувлик, файзу барака,
тўкин-сочинлик олиб келсин!
Сизга хизмат
кўрсатишдан мамнунмиз!


CARLSBERG UZBEKISTAN
ЎЗБЕКИСТОН АҲЛИНИ
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ
БИЛАН ҚУТЛАЙДИ!
ҲАР БИР ОИЛАДА ТИНЧЛИК,
ТЎКИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК
ҲУКМ СУРСИН. СИЗГА
ВА ЯҚИНЛАРИНГИЗГА СИҲАТ-
САЛОМАТЛИК, ОМАД
ВА БАХТ ТИЛАЙМИЗ!
Carlsberg
Uzbekistan

Азиз юртдошлар!

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти

Сизларни
Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги
билан самимий муборакбод этади!

Барчага оилавий бахт, сиҳат- саломатлик, тинчлик-тотувлик тилаймиз.
Хонадонларимизда ҳамиша меҳр-оқибат, яхшилик ва саховат бўй
таратиб турсин. Юртимиз янада яшнасин, бундан-да тараққий этсин.
Келажагимиз соҳиблари — баркамол авлод вакиллари
орзу-ниятларига етсинлар, мартабалари улуғ,
парвозлари юксак бўлаверсин!



Ўзбекистон Республикаси
халқ усталари, ҳунармандлари,
мусаввирлари «Ҳунарманд» уюшмаси жамоаси

Истиқлолимизнинг
19 йиллик
айёми билан
барча юртдошларимизни
муборакбод этади!

Азизлар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик,
қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин!
Юртимизда осойишталик,
оилангизда фаровонлик доимо ҳукмрон бўлсин!
Мустақиллигимизнинг 19 йиллик тўйи
барча-барчамизга муборак бўлсин!



ҲАЁТИНГНИ РАНГЛИ ҚИЛ

LOK Kolor SINTEZ
қўшма корхонаси

ХОРИЖИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА
ЛОК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ

барча юртдошларимизни
ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ
КУНИ билан муборакбод этади!
Сизларга сиҳат-саломатлик,
ишларингизда омад,
муваффақиятлар тилаймиз!

Бизнинг ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ
ҳаётингизни янада
ЁРҚИНРОҚ ҚИЛАДИ!

ISO 9001; ISO 14001; ISO 18001

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 291-47-41, 291-80-94. Факс: (998 71) 291-74-63. E-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz
ФИРМА ДЎКОНИ қуйидаги манзилда жойлашган: Фарғона йўли кўчаси, 13/22.



«Maksam-Chirchik» ОАЖ
жамоаси

мамлакатимиз
фуқароларини
Ўзбекистон
Мустақиллигининг
19 йиллк
байрами
билан самимий
табриклайди!

Ватанимиз фаровонлиги йўлида эзгу ниятлар
билан амалга ошираётган бунёдкорлик
ишларимизда барчамизга омад ёр бўлсин!



*Муҳтарам газетхон!*
*Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифалар бепул илова қилинмоқда.*


East Telecom
TPS
Ҳурматли ватандошлар!
«East Telekom» ва «TPS»
компаниялари
Ўзбекистон халқини
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 19 йиллиги билан
самимий қутлайди!
Сизга ва оила аъзоларингизга
сиҳат-саломатлик, тинчлик ва барча
ишларингизда муваффақият тилайди!


SAVDOGAR BANK
«САВДОГАР»
ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
ЖАМОАСИ
Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари
ва мижозларини, барча ҳамкасбларини
республикамиз Мустақиллигининг
19 ЙИЛЛИК
байрами билан
сидқидилдан
қутлайди!
Улуғ айём ҳар бир хонадонга тинчлик-омонлик,
қут-барака олиб кирсин!
Сиз, азизларни ўзаро манфаатли
ҳамкорликка чорлаймиз!


Азиз юртдошлар!
«Ҳувайдо»
масъулияти чекланган жамияти жамоаси
қалби меҳр-муҳаббат, эзгулик ва саховатга
тўла халқимизни асрий орзу-ниятларимиз
рамзи бўлган муборак сана —
Мустақиллигимизнинг
19 йиллиги
билан чин дилдан
муборакбод этиб, замонавий, бежирим
мебелларини таклиф этади.
Сиз, азизларга
мустаҳкам соғлиқ,
бахт-саодат,
фаровонлик тилайди.
Сизга хизмат
кўрсатишдан
мамнунмиз!


NBU
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ
БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
Ватанимиз иқтисодиётини
ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган
барча юртдошларимизни, соҳада меҳнат
қилаётган ҳамкасблари ва мижозларини давлатимиз
Мустақиллигининг
19 йиллик
байрами билан
самимий муборакбод
этади!
Мамлакатимиз осмони мусаффо,
эл-юрт тинчлиги абадий бўлсин!


SONATA
Ўз йўлингни танла!
Drive your way
Тўловни бўлиб-бўлиб
амалга ошириш мумкин.
Кафолат — 2 йил
ёки 50 000 км.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН
HYUNDAI Official Partner
www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

# ЎЗБЕКИСТОН – ЖАННАТМОНАНД ЮРТ

***Байрамлар орасида энг улуғи, энг азизи, шубҳасиз, ҳурлик, мустақиллик, истиқлол айёмидир. Озод ва обод юртимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги шодиёна қилинаётган айни кунларда бу яна бир бор ёрқин намоён бўлмоқда. Зеро, халқимиз эришган улуғ неъматлар — тинчлик ва осойишталик, фаровонлик, инсон манфаатларининг устуворлиги, бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган ўзгаришлар — буларнинг барча-барчаси Истиқлол туфайлидир.***

***Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари юртимизнинг турли ҳудудларида меҳмон бўлиб турган хорижлик сайёҳлар билан шулар хусусида суҳбатлашди.***

**Ёнг Эн ПАК (Жанубий Корея):**

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларида бўлдим, улар менга жуда ёқди. Айниқса, тарихий жойлар, қадимий обидалар, йўллар ва кўчалардаги озодалик, бозорларнинг тўкинлиги, ширин-шакар мевалар катта таассурот қолдирди. Энди Хоразмга бормоқчиман. Юртингиздаги ҳар бир шаҳарнинг жуда қизиқарли ва бой тарихи, ўзига хос маданияти борлиги, бу шаҳарларда турли миллат вакиллари аҳилиноқ яшаётгани эътиборга лойиқ.

**Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида**

Ҳамма ердаги каби Қарши шаҳрида ҳам спортга яхши эътибор берилар экан. Бу ерда замонавий ва чиройли спорт иншоотлари, стадионлар кўп экан.

Умуман, ўзбеклар меҳмондўст, меҳнатсевар, бағрикенг халқлигига ишонч ҳосил қилдим. Халқларимизнинг мақсадлари ҳам муштарак. Ўзбек ёшлари орасидан кўплаб дўстлар орттирдим.

Мустақиллик байрамига пухта тайёргарлик кўрилаётгани ҳар бир шаҳарда сезилиб турибди. Бу эса Ўзбекистонда истиқлол байрамининг кўтаринки руҳда нишонланиши ва жуда қадрланишидан далолатдир.

**Георг БИТЦМАН (Германия):**

— Кўп мамлакатларда бўлганман. Бироқ Ўзбекистон бетакрор табиати, бағрикенг халқи, ноёб қадимий обидаларию замонавий бинолари билан ўзгача тароватга эга. Юртингизнинг шаҳарлари менда унутилмас таассурот қолдирди. Бу юртда одамлар бири-биридан хабар олиши, қўшничилик муносабатларининг мустаҳкамлиги, маҳалла институтининг қарор топгани бошқа жойларда деярли учрамайди.

Энг муҳими, Ўзбекистон янги давлат, янги жамият қуришнинг ўзига хос, мустақил йўлини танлагани бугун барча соҳаларда яққол сезилмоқда ва бу ўзининг юксак самараларини бермоқда. Қишлоқларда бўлганимда, оддий одамлар билан суҳбатлашиб, уларнинг турмуш тарзини бевосита кузатганимда, бунга амин бўлдим.

Бетакрор нилий гумбазлари, осмонўпар миноралари кўкка бўй чўзиб турган Хивадай шаҳри азимни томоша қилиб, ҳайратим янада ошди. Кўз олдимда гўё тарих жонлангандай бўлди, ўзимни худди эртаклар оламида юргандек ҳис қилдим. Шаҳардаги Ичанқалъа ва Дишанқалъанинг салобати, кўрки хотирамда бир умр муҳрланиб қолади.

**Пьеро ЛЕМБИ (Италия):**

— Хива шаҳрининг улуғвор обидалари кишига завқ, ҳайрат улашиш баробарида чуқур мушоҳадага чорлайди. Асрий обидаларга тикилиб, киши беихтиёр вақтнинг учқурлиги, ҳаёт ҳикматлари ҳақида ўйлайди...

Шаҳар ва қишлоқларингиздаги замонавий таълим масканларини, шинам уй-жойларни кўриб, аҳоли, айниқса, ёш авлод манфаати йўлида мамлакатингизда салмоқли ишлар амалга оширилаётгани, ёшлар учун кенг имкониятлар яратилаётганининг гувоҳи бўлдим. Бозорлардаги тўкин-сочинлик, савдо расталаридаги миллий ҳунармандчилик намуналари, оддийгина лойдан моҳирона ясалган сопол буюмлар ҳайратимни янада оширди.

Халқингиз нигоҳидаги бахтиёрлик, шукроналик юртингиздаги тинчлик ва осойишталикнинг, фаровон турмушнинг ёрқин ифодасидир.

***Аҳад МУҲАММАДИЕВ, Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ ёзиб олди.***




***Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, бири-биридан кўркам иморатлар, сўлим хиёбонлар, муҳташам мактабу замонавий ўқув даргоҳларига кўзингиз тушади. Қувонарлиси, бундай бунёдкорликларга биз истиқомат қилаётган Фориш тумани мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Узоққа бормайлик, сўнгги уч-тўрт йил ичида туманимизнинг ўзида бир қатор таълим муассасалари, ижтимоий-маиший бинолар қад ростлади.***

# ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

**Фахр**

Ёшлар учун кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилди. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига яратилган шароитлар, уларни иш билан таъминлаш, ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашига бўлган эътибордан дил қувонади.

Биз таълим олаётган Гараша қишлоғидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ҳам ўтган йили қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Қишлоғимиз кўркига айланган ушбу билим даргоҳида таълим олаётган тенгдошларимиз туман, вилоят миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақалари, фан олимпиадалари, турли маданий тадбирларда фаол иштирок этишмоқда. Икки қаватли, бир неча ўқув-лаборатория хоналари, спорт-соғломлаштириш мажмуасига эга бўлган ушбу билим даргоҳида таълим олувчилар учун барча шароит яратилган. Айниқса, билим даргоҳимиздаги компьютерлар замонавий коммуникация воситаси — интернет тизимига уланганлиги нафақат юртимиз, балки жаҳон илм-фани ютуқлари билан танишиш имконини бермоқда.

Жорий ўқув йилида ижтимоий-иқтисодий йўналишлар бўйича коллежимизни тугаллаган ўқувчиларнинг аксарияти ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган бўлса, қолганлари олий ўқув юртларида таҳсил олишни мақсад қилганлар.

Биз, ёшларнинг ҳар томонлама билим ва салоҳиятли бўлиб камол топишимиз учун яратилаётган бундай шароитлар, янги-янги ўқув даргоҳларининг бунёд этилаётгани Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий самарасидир. Бугун биздан яхши ўқиш, танлаган касбимизни мукаммал эгаллаш, жамиятнинг олдинги сафларида бўлиш талаб этилади. Зеро, мамлакат келажаги интеллектуал салоҳиятли, зукко ёшларга боғлиқ экан, билдирилган ишончни оқлашга, илғор тенгдошларимиз сафида бўлишга ҳаракат қиламиз.

**Дониёр АСЛИЕВ,**
**Алихон ЖАМОЛОВ,**
**Фориш туманидаги Гараша ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқувчилари.**
Жиззах вилояти

**Яхши хабар**

## Йўлсозлар туҳфаси

***Қашқадарё вилоятининг Муборак туманидаги Хитой ва Шайх қишлоқларини ўзаро боғлайдиган 7 километрлик йўл тўла таъмирдан чиқарилди.***

Бунинг учун “Шайхали йўл қурилиш-таъмирлаш” масъулияти чекланган жамияти йўлсозлари 342 миллион сўмлик таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар.

**Ф. БОЗОРОВ.**


«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ»
МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ**

**қуйидаги кимёвий реагентларни сотиб олиш юзасидан 06/10-сонли тендер савдосини эълон қилади:**

| Лот рақами | Кимёвий реагентлар номи | Микдори |
| --- | --- | --- |
| Лот-1 | Катализатор VTI Mix 80/20 (САВ)/(кимёвий реагент) | 12 000 кг. |
| | Катализатор VTI Mix 50/50 (САВ-2)/(кимёвий реагент) | 4 000 кг. |
| Лот-2 | Со-катализатор DEAC (CD)/(кимёвий реагент) | 1 340 кг. |
| | Со-катализатор DEAL-E (CJ)/(кимёвий реагент) | 3 810 кг. |
| | Со-катализатор TEAL (CT)/(кимёвий реагент) | 13 200 кг. |
| Лот-3 | Каустик сода 98%/ (кимёвий реагент) | 844 тонна |
| Лот-4 | Алюминий оксид (активлантирилган)/ (кимёвий реагент) | 576 тонна |
| Лот-5 | Антиоксидант 1010 (АО8)/ (кимёвий реагент) | 73 тонна |
| Лот-6 | Ди-метиль-ди-сульфид (ДМДС)/(кимёвий реагент) | 46 тонна |

***Тендер таклифи ҳужжатлари 2010 йил 16 сентябргача қабул қилинади.***

**Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

Шўртан газ-кимё мажмуаси, Ўзбекистон Республикаси, 180300, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони. Тел./факс: (+998 75) 780-87-74. Факс: (+998 75) 221-09-04, 221-08-46. Электрон почта: group_hr@sgcc.uz









Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41775 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5